

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
Хузуридаги Космик тадқиқотлар ва  
технологиялар агентлигининг Харид  
комиссияси раиси  
Ш.Кадиров  
«05» май 2022 йил



**Тезкор космик тасвирларга, шунингдек сунъий йўлдошнинг ультра юқори аниқликдаги тасвирларга буюртма бериш ва режалаштириш бўйича онлайн хизматдан фойдаланишни таъминлаш хизматини сотиб олиш учун**

## **ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИ**

**Буюртмачи: “Ўзбеккосмос” агентлиги**

Тошкент – 2022 й.

## ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Энг яхши таклифларни танлаш моҳияти	Тезкор космик тасвирларга, шунингдек сунъий йўлдошнинг ультра юкори аникликдаги тасвирларга буюртма бериш ва режалаштириш бўйича онлайн хизматдан фойдаланишни таъминлаш хизматини сотиб олиш учун
Лот бўлиниши	Йўқ, лот бўлинмайди
Хариднинг режа жадвали	2-чорак 2022 йил
Савдолар ўтказиладиган ой	апрел
Молиялаштириш манбан	Давлат бюджет ҳисобидан
Бошланғич нархи (6000 БҲМ куп бўлмаслиги керак)	1 454 000 000 (бир миллиард тўрт юз эллик тўрт миллион) сум барча солиқлар билан бирга
Миқдори	2000 кв.м Юкори аникликдаги космик сурат
Тўлов шартлари	Олдиндан 15%. Товар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш)дан кейин 85% тўлаб берилади
Тўлов муддати	Шартномага асосан
Тўлов валютаси	Сумда
Товар етказиб бериладиган (ишлар бажариладиган, хизматлар кўрсатиладиган) жой ва шартлар	Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Чилонзор кўчаси 53-уй.
Товар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) муддати	Шартномага асосан
Танлаш иштирокчиларига кўйиладиган талаблар	Энг яхши таклифларни танлашда Ўзбекистон Республикаси конунчилигида шу каби ўхшаш етказиб беришларни амалга оширишда иштирок этиш тақиқланмаган, уларда иштирок этиш учун кўйиладиган шартларни бажарган, рақобатга асосланган харид қилинаётган тегишли товар (иш хизмат) етказиб бериш тажрибасига эга бўлган етказиб берувчилар, шунингдек хорижий етказиб берувчилар иштирок этишлари мумкин.
Таклифни расмийлаштириш шакли	Ўзбекистон Республикаси конунчилигига биноан
Таклифлар бериш муддати (камида 5 иш куни)	5 иш куни
Оферталарни очиш санаси ва вақти	
Масъул хизмат, боғланиладиган шахс, телефон, эл. почта	Хамракулов Самандар (телефон рақами 90 186-14-11) sk@uzspace.uz

# ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

- 1 Умумий қоидалар**
- 1.1 Ушбу харид қилиш ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги «Давлат харидлари тўғрисида»ги ЎРҚ-684-сон Қонуни (бундан буён – Қонун), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг «Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (2018 йил 26 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3016) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.
- 1.2 Бошланғич нархи ҳужжатларининг энг яхши таклифларни танлаш тўғрисида маълумотида кўрсатилган.
- 1.3 Харид қилинадиган товарлар (хизматлар, ишлар) учун техник топшириқ [www.etender.uzex.uz](http://www.etender.uzex.uz) эълонида келтирилган.
- 2 Танлаш ташкилотчилари**
- 2.1 Энг яхши таклифларни танлашнинг (бундан буён – Танлаш) Бююртмачиси “Ўзбеккосмос” агентлиги (бундан буён – Бююртмачи) ҳисобланади. Бююртмачининг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани Чилонзор кўчаси 53 уй.
- 3 Танлаш иштирокчилари**
- 3.1 Танлашда юридик шахслар, мулкчилик шаклларида катъий назар, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари, ушбу ҳужжатда кўрсатилган шартларни бажарган (ушбу харид қилиш ҳужжатларининг 4.2-бандида санаб ўтилган шахслар бундан мустасно), шунингдек шу каби товарни (ишлар, хизматлар) етказиб бериш тажрибасига эга бўлганлар иштирок этишлари мумкин.
- 3.2 Иштирокчилар шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларга эга бўлишлари керак.
- 4 Танлашни ўтказиш тартиби**
- 4.1 Танлашда иштирок этиш учун танлаш иштирокчиси қонунчилик ва харид қилиш ҳужжатлари талаблари ва муддатларига мувофиқ таклифини тақдим этиши шарт.
- 4.2 Қўйидаги иштирокчиларга танлашда иштирок этиш учун рухсат берилмайди:
- зарур ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;
  - қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган;
  - бююртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида бўлган;
  - инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида бўлган;
  - солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарзларга эга бўлган;
- харид қилиш ҳужжатлари талабларига жавоб бермайдиган малака ҳужжатларини тақдим этган;

- таъсисчилари бир хил шахслар бўлган. Иштирокчи ва унинг аффилиланган шахси бир хил танлаш лотида иштирок этиш ҳуқуқига эга эмаслар.
- 4.3 Буюртмачи қуйидаги ҳолларда иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этишдан четлаштиришга ҳақли:
- иштирокчи давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса;
  - иштирокчи Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигини бузган ҳолда адолатсиз рақобат устунлигига ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса.
- 5 **Танлаш тили, ўлчов бирликлари**
- 5.1 Таклиф ва у билан боғлиқ бўлган иштирокчи ва Буюртмачи томонидан амалга ошириладиган барча ёзишмалар ва ҳужжатлар, давлат тилида ва, заруриятга қараб, бошқа тилларда бўлиши керак. Таклиф унга ўзбек ёки рус тилидаги таржимаси илова қилинган ҳолда бошқа тилда бўлиши мумкин. Таклиф матнида номувофикликлар юзага келганда, бирдан ортиқ тил ишлатилганда, ўзбек ёки рус тиллари устунлик қилади.
- 5.2 Таклифда умумий қабул қилинган ўлчов тизими қўлланилиши керак.
- 6 **Таклиф ва уни расмийлаштириш тартиби**
- 6.1 Махсус ахборот порталида (бундан буён – МАП) эълон қилинган танлаш шартлари бўйича таклифни электрон шаклда юборадилар.
- 6.2 Танлаш иштирокчиси:
- тақдим этиладиган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончилиги учун жавобгардир;
  - фақат битта таклифни тақдим этишга ҳақли;
  - тақдим этилган таклифни бундай таклифларни тақдим этиш муддатидан олдин қайтариб олиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.
- 6.3 **Таклиф ва барча ҳужжатлар электрон шаклда [www.etender.uzex.uz](http://www.etender.uzex.uz) МАПга тақдим этилади.**
- 6.4 Таклиф [www.etender.uzex.uz](http://www.etender.uzex.uz) МАПда эълон қилинган пайтдан эътиборан лотнинг амал қилиш муддати давомида қабул қилинади.
- 7 **Таклиф тақдим этиш муддатини узайтириш**
- 7.1 Агар зарур бўлса, буюртмачи таклифларни тақдим этиш муддатини узайтириши, шунингдек танлаш иштирокчиларига ўз таклифларининг ҳақиқийлигини Харид комиссиясининг қарори билан маълум муддатга узайтириш таклифи билан мурожаат қилиши мумкин.
- 7.2 Таклифни тақдим этиш муддатини узайтириш тўғрисидаги эълон МАПда жойлаштирилади ва зарур

- 8 **Харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш**
- 8.1 Холларда буюртмачининг веб-сайтида ёки бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Зарурат бўлганда, буюртмачи харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади. Товар (иш, хизмат) номи ёки унинг хусусиятларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.
- 9 **Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш мезонлари**
- 9.1 Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш таклифни тақдим этиш муддати тугаганидан бошлаб ўн иш куни мобайнида Харид комиссияси томонидан амалга оширилади.
- 9.2 Харид комиссияси танлаш ғолибини аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида баҳолайди.
- 9.3 Рўйхат, шунингдек иштирокчи томонидан тақдим этиш учун зарур бўлган ҳужжатлар шакллари харид қилиш ҳужжатларининг **1-иловасида** кўрсатилган..
- 9.4 Агар танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатларда келтирилган маълумотлар ишончсиз деб топилган бўлса, Харид комиссияси бундай иштирокчини танлашда иштирок этишдан четлаштиришга ҳақлидир.
- 9.5 Таклифни баҳолаш ва танлаш ғолибини аниқлаш [www.etender.uzex.uz](http://www.etender.uzex.uz) эълонида кўрсатилган мезонлар асосида амалга оширилади.
- 9.6 Таклиф амалдаги Қонун ва харид қилиш ҳужжатлари талабларига жавоб берадиган бўлса, тўғри расмийлаштирилган деб тан олинади.
- 9.7 Агар таклифни тақдим этган иштирокчи амалдаги қонунда белгиланган талабларга ва харид қилиш ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса Харид комиссияси уни рад этади.
- 9.8 Таклифни баҳолаш жараёнида буюртмачи танлаш иштирокчиларидан уларнинг таклифлари ҳақида тушунтиришлар сўраши мумкин. Ушбу тартиб расман, ёзма равишда белгиланган тартибда танлаш ташкилотчиси орқали амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида таклиф моҳиятида, шунингдек нархда ҳеч қандай ўзгаришларга йўл қўйилмайди.
- 9.9 Агар танлаш шартларига кўра танлаш иштирокчилари турли валюталарда таклифлар киритган бўлсалар, баҳолаш давомида таклифлар суммалари махсус ахборот порталида эълон қилинган санадаги (лотнинг

- бошланиш санаси) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг курси бўйича ягона валютада ҳисобланади.
- 9.10 Харид қилиш ҳужжатларида ва таклифларда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажариш учун энг яхши шартларни таклиф қилган танлаш иштирокчиси ғолиб деб топилади.
- 9.11 Арифметик ёки бошқа хатолар мавжуд бўлганда, харид комиссияси танлаш иштирокчисини хабардор қилган ҳолда, харид таклифини рад этиш ёки уни кўриб чиқиш учун бошқа шартларни аниқлаш ҳуқуқига эга.
- 9.12 Танлаш шартлари турли валюталарда нархларни тақдим этишни назарда тутган ҳолларда, танлашда хорижий ва маҳаллий иштирокчиларнинг нархларини тўғри таққослаш, чет эл валютасидаги таклифларни тўғри баҳолаш учун, чет эл валютасида таклифни берган иштирокчи сотиладиган товар (иш, хизмат) учун олинадиган барча турдаги солиқлар, йиғимлар, мажбурий тўловларнинг амалдаги ставкалари ва фоизларини тақдим этиши шарт. Иштирокчи ушбу банд бўйича тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги учун жавобгардир.
- 10 Танлаш ғолибини аниқлаш**
- 10.1 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари баҳолаш баённомасида қайд этилади.
- 10.2 Баённома рўйхатга олинган куни давлат буюртмачиси томонидан давлат харидлари электрон тизимида икки иш куни давомида муҳокама учун жойлаштирилади. Агар танлаш натижалари бўйича икки иш куни мобайнида танлаш иштирокчиларидан эътирозлар келиб тушмаса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб тан олинган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади. Танлаш натижалари асосида иштирокчилардан эътирозлар келиб тушганда, харид комиссияси эътирозларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.
- 10.3 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижаси эълон қилингандан сўнг танлашнинг ҳар қандай иштирокчиси танлаш натижаларини аниқлаштириш учун буюртмачига сўров юбориш ҳуқуқига эга.
- 11 Томонларнинг жавобгарлиги ва махфийликка риоя қилиниши**
- 11.1 Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган махфийликка риоя қилиниши учун ахборотни ошкор қилиш, иштирокчилар, комиссиянинг қолган аъзолари ва жалб этилган экспертлар билан келишишга рухсат бериш, шунингдек, бошқа ноқонуний ҳаракатлар учун таклифни ўрганиш учун ташкил этилган Комиссиянинг раиси ва аъзолари жавобгар бўладилар.
- 11.2 Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган (миқдор ва сифат кўрсаткичларида) танлаш ғолиби

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва/ёки тузилган шартнома бўйича жавобгар бўлади.
- 11.3 Танлаш иштирокчилари томонидан амалга оширилган ҳаракатлар учун харид комиссияси жавобгар эмас.
- 12 **Бошқа шартлар**
- 12.1 Харид комиссияси танлаш иштирокчисидан илгари кўрсатилган хизматлар бўйича учинчи шахслардан фикр-мулоҳазаларни сўрашга ҳақли.
- 12.2 Танлашда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган танлаш бўйича тушунтириш олиш учун Буюртмачи билан боғланиш ҳуқуқига эга.
- 12.3 Танлаш иштирокчиси Буюртмачининг электрон почта манзилига харид қилиш ҳужжатларининг **2-иловасида** келтирилган шаклдаги харид қилиш ҳужжатлари қоидаларини тушунтириш учун Буюртмачига сўров юборишга ҳақли. Буюртмачи кўрсатилган сўровни олган кундан бошлаб икки иш куни ичида, агар кўрсатилган сўров буюртмачи томонидан белгиланган муддатдан камида уч кун олдин олинган бўлса, харид қилиш ҳужжатлари қоидаларига тушунтиришларни тақдим этиш учун белгиланган шаклда юбориши шарт. Харид қилиш ҳужжатлари қоидаларига тушунтиришлар унинг моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.
- 12.4 Танлаш қуйидаги ҳолларда харид комиссияси томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин:  
- танлашда битта иштирокчи қатнашган бўлса ёки ҳеч ким қатнашмаган бўлса;  
- агар таклифларни кўриб чиқиш натижаларига кўра, харид комиссияси барча таклифларни харид қилиш ҳужжатлари талабларига мос келмаслиги сабабли рад этган бўлса.
- 12.5 Буюртмачи ғолиб бўлган таклифни қабул қилишдан олдин исталган вақтда танлашни бекор қилиш ҳуқуқига эга. Танлаш бекор қилинган тақдирда, буюртмачи ушбу қарорнинг асосли сабабларини МАПда эълон қилади.
- 13 **Шартнома тузиш**
- 13.1 Танлаш натижаларига кўра, шартнома харид қилиш ҳужжатларида ва шартнома тузилган танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади. Шу билан бирга, харид қилиш ҳужжатларига илова қилинган шартнома лойиҳаси **яқуний эмас** ва шартнома тузилгандан кейин Буюртмачи шартнома матнига Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва ушбу харид қилиш ҳужжатларига зид бўлмаган, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда етказиб берувчи билан келишилган ҳолда, ўзгартиришлар киритишга ҳақли.
- 13.2 Харид комиссиясининг қарори билан танлаш ғолиби деб эълон қилинган танлаш иштирокчисига ғолиб аниқланган кундан бошлаб 5 иш куни ичида харид комиссиясининг қарори тўғрисида ёзма хабарнома юборилади. Буюртмачи ва танлов ғолиби, ғолиб эълон

қилинган пайтдан эътиборан **10 (ўн) иш куни** ичида шартнома тузишлари лозим.

- 13.3 Агар танлаш ғолиби танлаш шартлари бўйича шартнома тузишдан бош тортса, шартнома тузиш ҳуқуқи захира ижрочига ўтади. Бундай ҳолда, захира ижрочи танлаш ғолиби томонидан таклиф қилинган нарх бўйича шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.
- 13.4 Ғолиб томонидан шартномани кечиктириш шартномани тузишни рад этиш сифатида баҳоланиши мумкин. Бундай ҳолда, танлашнинг навбатдаги (захирадаги – баҳолаш натижаларига кўра иккинчи ўриндаги) иштирокчининг мақбул таклифи кўриб чиқилади.



**Таклиф ҳужжатлари  
РЎЙХАТИ**

1. Танлаш иштирокчиси ва унинг таъсисчилари ҳақида умумий маълумотлар *(1-шакл)*.
2. Иштирочи қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида, буюртмачи билан судлашиш ёки арбитраж муҳокамаси ҳолатида эмаслигини, шунингдек аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ ижро этганлигини тасдиқловчи кафолат хати *(2-шакл)*.
3. Коррупция кўринишларига йўл қўйилмаслик бўйича ариза *(3-шакл)*.
4. Ўхшаш товарни (иш, хизмат) етказиб бериш тажрибаси ҳақида маълумот *(4-шакл)*.
5. Таклифнинг техник қисми *(5-шакл)*.
6. Етказиб бериш шартлари ва муддатлари, тўлов шартлари тўғрисида маълумот *(6-шакл)*.

## ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

№: \_\_\_\_\_

Сана: \_\_\_\_\_

## Харид комиссияси

## Танлаш иштирокчиси тўғрисидаги умумий маълумот

1	Ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатган ҳолда юридик шахснинг тўлиқ номи	
2	Рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида маълумотлар (рўйхатдан ўтказилган сана, рўйхат ўтказилган рақами, рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)	
3	Юридик манзили	
4	Боғланиш учун телефон, факс, e-mail	
5	Тўлиқ банк реквизитлари	
6	Фаолиятининг асосий йўналишлари	
7	<b>Таъсисчилар</b> (тасдиқловчи маълумотларларни илова қилиш зарур)	

---

*(ваколатли шахснинг имзоси)*


---

*(ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ва лавозими)*

М.Ў.

Сана: « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2021 й.

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

№: \_\_\_\_\_

Сана: \_\_\_\_\_

Харид комиссияси

КАФОЛАТ ХАТИ

Ушбу хат билан \_\_\_\_\_ компанияси:  
(компания номи)

- 1) аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ ижро этганлигини;
- 2) қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида эмаслигини;
- 3) буюртмачи билан судлашиш ёки арбитраж муҳокамаси ҳолатида эмаслигини;
- 4) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарзларга эга эмаслигини;
- 5) имтиёзли солиқ берадиган ва/ёки молиявий операциялар (оффшор зоналарида) ўтказилганда маълумотларнинг ошкор этилиши ва ахборот билан тақдим этилиши кўзда тутилмаган давлатлар ёки ҳудудларда рўйхатдан ўтмаганлиги, таъсисчиларга эга эмаслиги, банк ҳисоб рақамларига эга эмаслигини;
- 6) инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаланлигини тасдиқлаймиз.

Раҳбар ёки ваколатли шахсинг Ф.И.Ш. ва имзоси

Мухр ўрни

## ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

№: \_\_\_\_\_

Сана: \_\_\_\_\_

## Харид комиссияси

Коррупция кўринишларига йўл қўйилмаслик бўйича  
АРИЗА

Ушбу хат билан \_\_\_\_\_ компанияси:  
(компания номи)

1) 1) Ўзбекистон Республикасининг 22.04.2021 йилдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги ЎРҚ-684-сон Қонуни талабларига риоя этиш мажбуриятини олганлигини;

2) Ҳар қандай ҳозирги ёки аввалги мансабдор шахсга ёки Буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг ходимига ишга ёллаш тўғрисида ёки бирорта ҳатти-ҳаракатни амалга оширишга таъсир кўрсатиш, давлат харидлари жараёнида Буюртмачининг бирорта харид тартиб-таомилларини қўллаш ёки қарор қабул қилиш мақсадида хизмат кўрсатиш ёки тўғрисидаги таклиф, ҳар қандай шаклдаги рағбатлантирувни бевосита ёки билвосита таклиф қилмаслик ва бермаслик мажбуриятини ўзига олганлигини;

3) Коррупцияга қарши ҳаракатлар содир этмаслик мажбуриятларини ўз зиммасига олганлигига, шу жумладан аффилиланганлик ҳолатлари аниқланганда;

4) Буюртмачи билан манфаатлар тўқнашувига эга эмаслигини, ижрочини танлаш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган таъсисчилар ва/ёки ходимлар ўртасида яқин қариндошлик алоқаларига эга эмаслигини;

5) Нархларни ёки танлаш натижаларини бузиш мақсадида бошқа иштирокчилар билан келишувга эга эмаслигини;

6) фирибгарлик, маълумотларни сохталаштириш ва коррупцияни олдини олиш мажбуриятини олганлигини;

7) сохта ёки қалбаки ҳужжатларни тақдим этмаслигини, ушбу лотда иштирок этган аффилиланган шахслар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш мажбуриятини олганлигини тасдиқлаймиз.

Раҳбар ёки ваколатли шахсининг Ф.И.Ш. ва имзоси

Мухр ўрни

## ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

№: \_\_\_\_\_

Сана: \_\_\_\_\_

## Харид комиссияси

Ўхшаш товарни (ишлар, хизматлар) етказиб бериш тажрибаси тўғрисида маълумотлар

№	Товар (ишлар, хизматлар) моҳиятининг номи	Буюртмачининг номи	Етказиб бериш санаси	Изоҳ

---

*(ваколатли шахснинг имзоси)*

---

*ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ва лавозими*

Мухр ўрни

## ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

## ТЕХНИК ТАКЛИФ

---

(танлаш предмети кўрсатилади)

**Хурматли хонимлар ва жаноблар!**

\_\_\_\_\_ учун харид қилиш ҳужжатларини ва \_\_\_\_-сонли мурожаатларга ёзма жавобларни (ёзма сўровлар рақамларини ва уларга жавоб мавжуд бўлса, уларга жавоблар рақамларини кўрсатиши) ўрганиб, ушбу билан уларни олганлигимизни тасдиқлаб, биз, қуйида имзоловчилар (танлаш иштирокчисининг тўлиқ номи), \_\_\_\_\_ (товарлар, ишлар ва хизматлар номини кўрсатинг) таклиф қиламиз.

Ушбу техник таклифга тўлиқ риоя қилган ҳолда, танлаш ғолиби билан тузиладиган шартнома бўйича хизмат кўрсатишни таъминлаш мажбуриятини ўз зиммамизга оламиз.

Ушбу таклифнинг қоидаларига ушбу лот учун харид қилиш ҳужжатларига риоя қилишга розилик билдирамиз. Ушбу харид таклифи биз учун мажбурий бўлиб қолади ва белгиланган муддат тугашидан олдин исталган вақтда қабул қилиниши мумкин.

**Шу билан бирга, биз Сизга \_\_\_\_\_ варақларда биз таклиф қилаётган товар (иш, хизмат) учун техник параметрларни юборамиз\*.**

---

(ваколатли шахснинг имзоси)

---

(ваколатли шахснинг Ф.И.Ш. ва лавозими)

Мухр ўрни

\*Буюртмачининг техник талаблари билан таққослаш учун техник тавсифларни тақдим этиш бўйича мажбурий талаб.

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКИДА

**ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ ВА МУДДАТЛАРИ, ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ  
ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ**

---

(танлаш моҳияти кўрсатилади)

Сана: (таклифларни бериш санаси ёзилади).

КИМГА: Харид комиссиясига.

Биз, қуйида имзо қўйувчилар, харид қилиш ҳужжатларини умумий ўрганиб ва буюртмачининг барча талабларини ўз ичига олган танлаш мавзуси билан танишиб чиқдик.

Барча талабларни таҳлил қилгандан сўнг, танлаш шартларига мувофиқ хизматлар кўрсатишни таклиф қиламиз (товарлар (ишлар, хизматлар)) номи кўрсатилади:

Тўлов шартлари \_\_\_\_\_;

Тўлов муддатлари \_\_\_\_\_;

Товарлар етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш шартлари \_\_\_\_\_;

Етказиб бериш муддатлари \_\_\_\_\_;

Кафолат шартлари \_\_\_\_\_.

Сана: «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 й.

Раҳбар ёки ваколатли шахсининг Ф.И.Ш. ва имзоси

Муҳр ўрни

**Энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари  
қоидалари маълумоти сўров шакли**

*Иштирокчи ташиқлот бланкида (агар мавжуд бўлса)*

Танлашни ўтказиш бўйича  
харид комиссияси

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Сайтга [[www.etender.uzex.uz](http://www.etender.uzex.uz) ёки расмий сайт] жойлаштирилган, харид қилиш ҳужжатига аниқлик киритилишини сўраймиз [товарларни етказиб бериш, ишларни бажариш, бюджет буюртмачилари учун хизмат кўрсатиш]:

№ т/р	Харид қилиш ҳужжатлари бўлими	Харид қилиш ҳужжатига аниқлик киритиш керак бўлган банд	Харид қилиш ҳужжатига аниқлик киритиш учун сўров мазмуни
1	2	3	4

Ушбу сўров бўйича маълумотларни кўрсатилган манзилга юборинг [почта адреси, электрон почта манзили, факс рақами]

[сана, ой, йил]

[Сўровга имзо қўйган масъул шахсинг исми] [имзо]  
[И. Ш. О.]

М.Ў.